2006 ЙИЛ, 11 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 6 (10.563)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сонли қарори талаблари асосида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари қандай бажарилгани якунлари таҳлил қилинди.

● Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва пойтахт ҳокимлиги қутлуғ кунларда хайрли ишга қўл урди. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатидаги кексаларга совға-саломлар топширишди, у ердаги қарияларга меҳр-мурувват кўрсатишди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ва Германиянинг «Клаш» компанияси ўртасида «Бухорогипс» акциядорлик жамиятининг 1,55 миллион АҚШ долларилик, яъни 30,77 фоиз акциялари олди-сотдиси бўйича шартнома имзоланди. Шартномада ушбу хорижий компания 4 йил давомида республикамиз иқтисодиётига 6,3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиши ҳам кўзда тутилган.

● Қорақалпоғистон Республикасида Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг дастлабки кунларида саховатли ҳомийлар томонидан 18 минг нафардан зиёд кам таъминланган оилалар болаларига, ногирон ва қарияларга, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига 15 миллион 700 минг сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди.

● Хўжайли туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан 17-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. «Тадбиркор аёл» республика ишбилармон аёллар уюшмаси туман бўлими ёрдамида олинган микрокредитлар ҳисобидан 200 нафар аёл ўз бизнесини йўлга қўйди.

● Жиззах шаҳридаги «Имкон» хусусий фирмаси томонидан ногирон болалар тарбияланадиган 6-сонли «Ширин» боғчасига рангли телевизор, видеомагнитофон, мультфильмлар тўплами туҳфа этилди.

● Томди туманидаги «Керегетов» қорақўлчилик ширкат хўжалиги марказида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Овулларда яшаётган 2000 дан зиёд аҳолига хизмат кўрсатадиган мазкур шифохонанинг даволаш ва муолажа бўлимлари замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

● Қизилтепа туманидаги «Қизилтепагаз» корхонаси жамоасининг саъй-ҳаракатлари билан қишлоқ ва маҳаллаларни табиий газ билан таъминлаш ишлари тобора яхшиланмоқда. Биргина ўтган 2005 йилда тумандаги «Тавоис», «Тошработ» ва Қосим Кобилов номли ширкат хўжаликлари ҳудудларидаги янги хонадонларга 8,5 километрлик газ қувурлари тортилди.

● Касби туманидаги Майманоқ қишлоғида хусусий зооветеринария пункти иш бошлади. Мазкур кичик хизмат кўрсатиш тармоғида аҳоли хонадонларида боқилаётган чорва молларини турли касалликлардан асраш, наслини яхшилаш, дори-дармон билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

● Республика акушерлик-гинекология илмий-текшириш институтининг Қарши филиалига 24,2 миллион сўмлик янги тиббий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди.

ЖАҲОНДА

● Японияда қор кўчкилари оқибатида 70 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди. Маълумотларга қараганда, Кунчиқар мамлакатнинг Ғарбий ҳудудида сўнгги юз йил ичида бундай об-ҳаво шароити кузатилмаган. У ерда тўхтовсиз ёғаётган қорнинг баландлиги 3 метргача етди.

● Туркияда парранда гриппи хасталиги мавжудлиги ўтган ҳафтада аниқланган бўлса-да, ҳозиргача 15 кишининг шундай касалликка чалинганлиги маълум бўлди. Бинобарин, фақат бир оиланинг ўзидагина уч киши парранда гриппи хасталиги оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Эндиликда ушбу мамлакатда парранда гриппига қарши кураш Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда олиб борилади.

● Эрон ҳукумати Европа Иттифоқининг қаршилигига қарамасдан, ўзининг ядро дастурини қайта тиклаганини маълум қилди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакили Ҳамид Асефийнинг таъкидлашича, Эрон халқаро экспертлар кузатуви остида бу соҳада тадқиқотлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

● Ироқнинг шимоли-ғарбида Америка ҳарбий ҳаво кучларига тегишли вертолётнинг қулаб тушиши натижасида унинг бортидаги 12 нафар одамнинг барчаси ҳалок бўлган. Ҳозирда ушбу ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

● Калифорния губернатори Арнольд Шварценеггер ва унинг 12 ёшли ўғли йўл-транспорт ҳодисаси туфайли жароҳат олишди. Санта-Моника касалхонасида Шварценеггернинг юзи ўн беш жойидан тикилди, унинг ўғли эса деярли шикастланмади.

● Греция пойтахти Афинада 6,9 балли ер силкиниши кузатилди. Натижада Крит ороларида бир нечта қадимий биноларга унча катта бўлмаган зиён етди.

● Германиянинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти томонидан ўтказилган текширувларга кўра, 2006 йилда футбол бўйича жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтадиган ушбу мамлакатдаги стадионлар ҳолати хавфсизлик қоидаларига тўлиқ жавоб бермайди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 12 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2 даража совуқ, кундузи 0-2 даража илиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

«Тонг» акциядорлик жамияти чеварлари бугунги давр билан ҳамнафас бўлишга интилиб, харидор талабини қондирадиган маҳсулотлар тайёрлаш йўлида изланишлар олиб боришмоқда.

СУРАТДА: ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Матлуба Ҳасанова, тикувчилар Лола Аъзамхўжаева ва Муқаддас Жўраевалар корхона ривожига ҳисса қўшиш ниятида меҳнат қилишмоқда.

Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган сурат.

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Бектемир туман марказий кутубхонасида туман соғлиқни сақлаш бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбир Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Миробод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Тантанали сафланиш» деб номланди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги Уста Ширин маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзуида ўтказилган давра суҳбати туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳалла гузарида «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши ҳамкорлигида «Кўчма арча» лойиҳаси доирасида ўтказилган Янги йил тантаналарида «Туркистон», «Конституция», Бобур, Усмон Носир маҳаллаларида яшовчи болажонлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Учтепа туманидаги «Боғобод», «Боғистон», «Кўҳна Чўпон ота», «Гузар» маҳаллалари болажонлари учун «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан «Камолот»дан «Янги йил билан» лойиҳаси доирасида байрам тантаналари ўтказилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги Нодирабегим маҳалласида ҳамда Улуғбек шаҳарчасида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши томонидан уюштирилган арча байрами тантаналарида қатнашчиларга совғалар берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда комиссия ҳамраислари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов ҳамда Эрон Ислом Республикаси савдо вазири С.Миркозимий мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Бу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари икки давлат раҳбарлари имзолаган ҳужжатларда белгилаб берилган.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасида доимий мулоқот ва маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. 2000 йилдан буён уч марта олий даражадаги учрашув ўтказилди. Икки мамлакат вазирлик ва идоралараро мулоқотлар ҳам изчиллик касб этаётир.

Савдо-иқтисодий алоқалар қўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. 2004 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 372 миллион АҚШ долларини ташкил қилган эди. 2005 йилнинг ўн бир ойида бу кўрсаткич 409,5 миллион доллардан ошди. Юртимизда эронлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 65 қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Юртимиздан Эронга пахта, қора ва рангли металлар, минерал ўғитлар, пластмасса ва пластмасса буюмлар, кимёвий толалар экспорт қилинмоқда. Эрондан эса мамлакатимизга қурилиш материаллари, чой, кир ювиш воситалари олиб келиняпти.

Аммо, учрашувда қайд этилганидек, бу кўрсаткичлар икки мамлакатнинг ҳам иқтисодий салоҳияти даражасида эмас. Иқтисодий ҳамкорлик қўламини кенгайтириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Шу боис қўшма комиссия мажлисида савдо алоқалари ҳажмини янада кенгайтириш учун бунданда қулай шароит яратишга, ўзаро фойдали соҳалардаги амалий ҳамкорликни равнақ топтиришга, янги қўшма корхоналар ташкил этиш ва биргаликда турли сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Нефть-газ, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон билан Эрон муносабатларида транспорт коммуникациялари алоҳида ўрин тутади. Томонлар бу борада мунтазам мулоқотни йўлга қўйган. Мамлакатларимиз Марказий Осиё билан Форс кўрфазини боғлайдиган халқаро транспорт йўлагини барпо этишда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2003 йилнинг ёзида Теҳрон шаҳрида имзоланган Трансафғон йўлагини барпо этиш тўғрисидаги уч томонлама ҳужжат муҳим омил бўлмоқда. Мазкур лойиҳа ҳаётга татбиқ этила бошланди ва унинг ижросини жадаллаштириш мақсадида давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳам тузилган.

Йиғилишда томонлар мазкур йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликни янада тараққий эттиришга келишиб олдилар.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Қуйидагилар мамлакатда мева-сабзавот маҳсулоти ва узум етиштириш ва уни комплекс қайта ишлашни ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, шунингдек зарур экспорт базасини яратишнинг энг муҳим шартлари деб ҳисоблансин:

а) тармоққа бозор иқтисодиёти тамойиллари ва нормаларини ҳамда шартнома муносабатларини кенг жорий этиш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни талабларига қатъий мувофиқ равишда, мавжуд ихтисослашувни сақлаган ҳолда фермер хўжаликлари этиб қайта ташкил қилиш;

б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, ўз меҳнати натижалари, етиштирилган маҳсулот ва даромадларини тасарруф этишда фермерларнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш, шунингдек шартнома мажбуриятларини бажариш ва ер-ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун уларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини ошириш;

в) фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг тез мослашувчан замонавий кичик технологияларидан фойдаланадиган, шу жумладан хорижий инвесторлар иштирокидаги агросаноат фирмаларини ихтиёрийлик асосида шакллантириш, мавжуд қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш;

г) тугатилаётган ширкатлар ҳудудида зарур ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси — муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, ёнилғимойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиш пунктлари, мини-банклар, турли тара идишлар ишлаб чиқариш ва сотиш пунктлари барпо этиш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

а) мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларининг экин майдонларида ташкил этиладиган фермер хўжаликлари махсус комиссиялар томонидан очиқ ва ошкора танловлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади, уларнинг натижаларига кўра бошқа тенг шартлар бўлгани ҳолда, мазкур участкада оилавий пудрат асосида ишлаган ширкат аъзоларига ғолиблик ҳуқуқи берилади;

б) боғ ва узумзорлар фермерларга ким-ошди савдолари орқали сотилади, савдоларда мазкур соҳада муайян иш стажи ва малакаларига эга бўлган даъвогарларнинг иштирок этишларига йўл қўйилади;

в) боғ ва узумзорлар жойлашган ер майдонлари кимошди савдоси ғолибларига ҳадя қилиш, сотиш, гаровга бериш, айирбошлаш ва субарендага топшириш ҳуқуқини бермаган ҳолда узоқ муддатли ижарага топширилади;

г) боғ ва узумзорларни кимошди савдосида сотишдан тушадиган маблағлар энг аввало тугатилаётган ширкатнинг кредиторлик қарзини узишга йўналтирилади, маблағларнинг қолган қисми ширкат пайчилари ўртасида уларнинг пайларига мутаносиб равишда тақсимланади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этилган фермер хўжаликлари ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан тўла қоплаш тамойиллари асосида амалга ошириди;

б) фермер томонидан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган, ер ресурсларидан мақсадга номувофиқ ва норациональ фойдаланган, шунингдек ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси талабларини бажармаган тақдирда шартнома белгиланган тартибда суд орқали муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин;

в) фермер хўжалигида ходимлар, жумладан хўжалик эгасининг оила аъзолари, шунингдек вақтинча (мавсумий) ёлланадиган фуқаролар ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат шартномалари (контрактлари) тузиш йўли билан тартибга солинади;

г) мева-сабзавотчилик ва узумчилик фермер хўжаликларининг қайта ишлаш корхоналари ва хизмат кўрсатувчи тузилмалар билан ўзаро муносабатлари, маҳаллий бошқарув органлари аралашмаган ҳолда, тузилган узоқ муддатли шартномалар, шу жумладан фьючерс шартномалари асосида амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда.)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

муборак Қурбон ҳайити муносабати билан сизга энг самимий қутлов ва истакларим ила узоқ умр, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар мамлакатингиз халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳдан бизнинг барча эзгу саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлаши, мусулмон халқларига тинчлик, тотувлик ва бағрикенглик ато этишини сўраб қоламан.

Чуқур эҳтиром ила,

Сапармурот НИЁЗОВ, Туркманистон Президенти

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Улуғ байрам — Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва дўст Ўзбекистон хал-қини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақият, Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Илҳом АЛИЕВ, Озарбойжон Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу,

Президент Жаноби Олийлари,

Сизни Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Индонезия ҳукумати ва халқи номидан муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Аллоҳ таоло мусулмон умматининг дўстона муносабатлари ва дунёдаги барча мусулмонларнинг бирдамлигини мустаҳкамласин.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чексиз ҳурмат, сиҳат-саломатлик ҳамда бахт-саодат тилакларини изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сусило Бамбанг ЮДХОЁНО, Индонезия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И
МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми.Боши 1-бетда.)

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХК, хўжалик юритувчи субъектлар агросаноат фирмаларини шакллантириш ва фаолиятини ташкил қилишда қуйидаги асосий тамойилларга амал қилсинлар:

а) агрофирмалар фермер хўжаликлари томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади, айни чоғда муассислар таркибига фермерлар билан бир қаторда барқарор хўжалик алоқалари ва илғор ишлаб чиқариш технологияларига эга бўлган, шунингдек яқин ҳудудда жойлашган мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар кириши мумкин;

б) агрофирмалар исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда, жумладан хорижий инвесторлар иштирокидаги қўшма корхоналар шаклида ташкил қилиниши мумкин;

в) фермер хўжаликларининг агрофирма таркибига кирган қайта ишловчи ва бошқа корхоналар билан ўзаро муносабатлари тузилган узоқ муддатли шартномалар асосида амалга оширилади, уларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жумладан етказиб бериладиган маҳсулотнинг камида 30 фоизига аванс берилишини ва кейин унинг харид қилинишини таъминлаш аниқ белгилаб қўйилади;

г) агрофирма муассислари — фермер хўжаликлари шартномадан ташқари етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини ўз хоҳишига қараб ички бозор ва экспортга сотади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси (Мирзиёев) манфаатдор вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмаларини шакллантириш ва фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Янги боғ ва узумзорлар барпо этилишини ҳамда мавжудларининг ҳосилдорлигини оширишни, агросаноат фирмалари ташкил қилишни рағбатлантириш учун:

а)тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этиладиган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан — 5 йил муддатга;

б) янги ташкил этиладиган агросаноат фирмалари даромад (фойда) солиғи тўлашдан, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан — 3 йил муддатга озод қилинсин.

Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли тартибда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар барпо этиш ҳамда уларни кенгайтиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармон талаблари ва қоидалари бажарилишини таъминлайдиган қарор лойиҳаси ҳамда аниқ ташкилий тадбирларни тақдим этсин.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХКнинг бошқарув тузилмаси танқидий қайта кўриб чиқилсин, бунда компания спирт, ликёр-ароқ ва виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича корхоналар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш функцияларини сақлаб қолиши, консерва саноати корхоналари эса агрофирмалар таркибида иштирок этиш имконияти билан мустақил фаолият кўрсатиши назарда тутилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 9 январь

Маънавият

ЮБИЛЕЙГА ТОРТИҚ

ШАРҚДА МАШҲУР БЎЛГАН ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ЎЗИНИНГ БОЙ ТАРИХИГА ЭГА. БУ КЎҲНА ИЛМ-ФАН ДАРГОҲИДА ҲОЗИР ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ КЎРИЛМОҚДА.

Ҳа, унинг минг йиллик юбилейи халқаро доирада катта воқеага айланди. Шу сана муносабати билан яна бир тўплам чоп этилди.

"Маъмун академияси" деб номланган бу янги нашр таниқли журналист ва адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимов қаламига мансуб бўлиб кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Унда кўҳна академияни қайта ташкил этиш билан боғлиқ муҳим тадбирлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти босиб чиқарган бу тўплам академия юбилейига яхши совға бўлди..

Транспорт

ПЛАКАТЛАР ОРҚАЛИ ОММАЛАШТИРИЛДИ

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ 18-АВТОБУС САРОЙИДА ҚАТОР ЯХШИ АНЪАНАЛАР ЮЗАГА КЕЛГАН. АҲОЛИГА НАМУНАЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БУНДАЙ БОЙ ТАЖРИБАЛАР КОРХОНАДА МЕҲНАТГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДОШИШ ҲИССИНИ ОШИРМОҚДА.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган техник тадбирлар ўз ижобий натижасини бермоқда. Бу каби жараёнларда махсус жиҳозланган енгил автомобилдан фойдаланилмоқда. Компьютер алоқаси ўрнатилган бу транспорт воситаси фаолияти алоҳида плакатлар орқали оммалаштирилди

Таълим

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИДА ФАКУЛЬТЕТЛАР КУНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ЯХШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. НАВБАТДАГИ БУНДАЙ ТАДБИР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ФАКУЛЬТЕТИГА БАҒИШЛАНДИ.

Мазкур факультет ўзининг кўп йиллик ўқув ва илмий фаолияти давомида кўплаб малакали ёшларга йўлланма берди. Айни вақтда бу ерда талабаларнинг илмий изланишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бадиий ҳаваскорлик билан шуғулланишлари учун истеъдодли ёшлар кенг имкониятларга эгадирлар.

Факультет куни муносабати билан томоша дастури тайёрланди. Талабаларнинг ижодий изланишлари алоҳида видеофильмда ўз аксини топди.

Янги концерт дастури кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

ФАКУЛЬТЕТ ЎН ЁШДА

БУ ФАКУЛЬТЕТ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ЎН ЙИЛ БЎЛДИ. НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ МАЗКУР БАДИИЙ ГРАФИКА ФАКУЛЬТЕТИ УЧУН ЎТГАН ДАВР ҲАР ТОМОНЛАМА САМАРАЛИ БЎЛДИ.

Бу ерда таҳсил олган талаба ёшларнинг аксарияти мустақил ижодий жараёнлар билан шуғулланиб, бадиий графика санъати ривожига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ана шу сана муносабати билан олий ўқув юртида "Таълим тизимида тасвирий ва амалий санъат, муҳандислик, графика йўналишлари бўйича педагогик кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари" деган мавзуда илмий конференция ташкил этилди. Унда "Тасвирий санъат таълими мазмунининг бугуни ва келажаги", "Чизма геометрия ва чизмачиликнинг долзарб масалалари" деган маърузалар тингланди.

КЕНГ КЎЛАМДАГИ ФАОЛИЯТ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ЎНГА ЯҚИН ФАКУЛЬТЕТ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. "ЭЛЕКТРОНИКА ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА" КАФЕДРАСИ ЭСА ЎЗИНИНГ 40 ЙИЛЛИК ТАРИХИГА ЭГА.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессор Убай Орипов саъй-ҳаракати билан ташкил топган мазкур кафедра ўтган давр мобайнида кўплаб малакали мутахассисларга йўлланма берди.

Бугунги кунда у Ўзбекистон Фанлар академиясининг электроника, физика-техника институтлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқда. Тошкентдаги "Фотон" акциядорлик компанияси мутахассислари билан биргаликда қатор техникавий янгиликлар юзага келди.

Кафедра тадқиқотлари республикамизда биосфера ресурсларидан унумли фойдаланишда ҳам қўл келмоқда.

ЯҚИН ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК

МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЎРТАСИДА ЯХШИ ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. ҚАТОР ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР УЮШТИРИЩДА ҲАМ БУ АЛОҚАЛАР ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.

Тошкентда "Марказий Осиё халқлари ва давлатлари алоқалари: қадимийлик ва замонавийлик" деган мавзуда ўтказилган халқаро анжуманда москвалик олимлар ҳам қатнашдилар.

Конференцияда Москва Давлат университети ҳузуридаги Осиё ва Африка мамлакатлари институти олимлари делегацияси ҳам иштирок этди. Уларнинг илмий чиқишларида ўзаро алоқалар самаралари ҳақида сўз борди.

Бу илмий тадбир доирасида Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети билан Осиё ва Африка мамлакатлари институти ўртасида алоқа боғлаш тадбирлари кўрилди.

АДАБИЁТЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ТАЛҚИНИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ АСОСИЙ КУТУБХОНАСИ АДАБИЁТЛАРГА БОЙ. ҲОЗИР БУ ЕРДА НОЁБ НАШРЛАРДАН 700-800 НУСХАСИ САҚЛАНМОҚДА.

Пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасини туб таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати бу йирик зиё даргоҳини ихтисослаштирилган янги бинога кўчириш тадбирлари кўрилди. Бу ерда бир неча қироатхона ва ўқув заллари талабалар хизматида бўлади.

Айни вақтда кутубхона ишини давр талаби асосида ташкил этишга киришилди. Адабиётлардан фойдаланиш жараёнларини компьютерлаш ҳам кўзда тутилди.

Китоб фондидаги барча адабиётларнинг электрон вариантини яратиш жараёнлари амалга оширилади. Бу эса мутолаа қилиш ишларини замонавийлаштириш имконини беради.

Акбар АЛИЕВ

Спорт

КУРАШ ЖАҲОННИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

ЖОРИЙ ЙИЛДА КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАР ГРЕЦИЯДА ВА БУЮК БРИТАНИЯДА «ИСЛОМ КАРИМОВ» ТУРНИРЛАРИ БИЛАН БОШЛАНАДИ. ХАЛҚИМИЗНИНГ НЕЧА МИНГ ЙИЛЛИК МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТИ — КУРАШ ХАЛҚАРО СПОРТ ТУРИГА АЙЛАНГАНИГА УНЧАЛИК КЎП БЎЛГАНИ ЙЎҚ.

Истиқлол йилларида халқимиз қадриятларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратаётган мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1998 йилнинг 6 сентябрь куни Кураш халқаро ассоциацияси /КХА/ тузилган ва жаҳон спортида янги яккакураш тури вужудга келган эди.

Ўтган етти йил давомида КХА раҳбарияти асосий эътиборни курашни дунёга танитиш, унинг хусусиятлари, афзалликларини тарғиб қилиш, қитъаларда конфедерациялар, мамлакатларда миллий федерацияларни тузишга қаратди. КХА фаолиятининг дастлабки йиллари Осиё, Европа, Панамерика, Африка, Океанияда минтақавий конфедерациялар тузилди. Бугунгача дунёнинг етмишдан зиёд давлатида кураш миллий федерациялари тузилиб, Кураш халқаро ассоциациясига бирлашди.

Жаҳоннинг қатор мамлакатлари кураш бўйича жаҳон, қитъа чемпионатларига, нуфузли халқаро турнирларга мезбонлик қилмоқда.

Юз минглаб йигит-қизлар бу ҳалол ва жозибадор янги спорт турини қунт билан ўзлаштирмоқда. Кураш хорижлик мутахассислар томонидан бир неча маротаба энг жадал ривожланаётган спорт тури сифатида алоҳида эътироф этилгани ҳам шундан.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида КХА раҳбарлари, мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ўтган йили амалга оширилган ишлар сарҳисоби, 2006 йилга мўлжалланган режалар ва КХАнинг мусобақалар тақвими хусусида фикр алмашди.

— КХА курашни ривожлантиришга оид ташкилий ишларни босқичма-босқич амалга оширмоқда, — деди Кураш халқаро ассоциацияси бош котиби У.Ёқубов. — Ҳозир биринчи босқич якунланди. Ўтган давр мобайнида дунё бўйлаб КХА инфратузилмасини шакллантириш, яъни федерация ва конфедерациялар тузиб, уларнинг жадал ишлаш йўлга қўйилишига муваффақ бўлинди. Натижада, кураш Халқаро Олимпия қўмитасининг Олимпиада ўйинлари дастурига кириши учун қўйган талабларининг бир нечтаси бажарилди. Ўтган йили Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге КХА раҳбарияти билан учрашувда курашнинг жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Иккинчи босқичда асосий эътибор курашни янада оммалаштириш, федерациялар, спортчи ва мураббийлар сонини кўпайтириш, кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётган спортнинг бу турини Жанубий Америка ва Осиё ўйинлари каби минтақавий мусобақалар дастурига киритишга қаратилади.

Кураш халқаро ассоциациясининг 2006 йилги тақвимидан жаҳон, қитъа чемпионатлари ва биринчиликлари, нуфузли халқаро турнирлар, жами ўттизга яқин мусобақа жой олган. Кураш бўйича дастлабки халқаро турнирлар 29 январь куни Грециянинг Салоники ва Буюк Британиянинг Ситтингборн шаҳарларида «Ислом Каримов» анъанавий халқаро турнирлари билан бошланади. Грецияда иккинчи маротаба ташкил этилаётган «Ислом Каримов» халқаро турнирида йигирмага яқин мамлакатдан юз йигирма нафар полвон гиламга чиқади. Буюк Британиядаги турнир эса ўндан зиёд давлатдан келган юз нафаргга яқин ўғил болалар, қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида ўтказилади.

Айтиш жоизки, КХАнинг мусобақалар тақвими йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Жорий йилда Зимбабве, Камерун, Россия, Туркия, Венесуэла, Таити, Греция, Ҳиндистон ва Конго Республикасида янги халқаро турнирлар, чемпионатлар, Гран-при мусобақалари ташкил этилади.

Яна бир эътиборли томони шундаки, мусобақаларнинг тенг ярми болалар, ўсмирлар, ёшлар ва қизлар ўртасида ўтказилмоқда. Айниқса, Исроилдаги «Olympic Hopes» «Олимпия умидлари», Буюк Британиядаги «Ислом Каримов» халқаро турнирлари ҳар йили кўплаб истеъдодли ёш полвонларни кашф қилмоқда. Бу ўз навбатида дунё мамлакатларида иқтидорли ёш полвонлар тарбияланаётгани, хорижлик болакайлар ўзбек курашига меҳр қўйиб, спортнинг бу турини пухта эгаллаётганидан яна бир далолатдир.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири





Ўлкамизда қиш фасли.
Дов-дарахтларни ясантирган оппоқ қор дилларга беғуборлик улашмоқда.

Наталья Семёнова ва
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ТОШКЕНТДА 2005 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА СПОРТ НАМОЯНДАЛАРИНИ ШАРАФЛАШГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил этган ушбу тадбирда юртимизнинг етакчи спортчилари, мураббийлари, илғор спорт жамоалари, маданият ва санъат арбоблари, таниқли санъаткорлар, ижрочи ёшлар иштирок этди.

Унда мамлакатнинг жаҳондаги обрўсини юксалтиришда маданият, санъат ҳамда спортнинг аҳамияти беқиёс экани таъкидланди. Зеро, илғор маданият ва санъатсиз, миллий қадриятларни юқори босқичга кўтармасдан туриб янги жамиятни, янгича ижтимоий-тарихий муносабатларни ва дунёқарашни шакллантириш мушкул. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари каби мада-

МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА СПОРТ ФАОЛЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

ния, санъат ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Маънавий қадриятларимизнинг қайта кўз очиши, урф-одатларимизни, тарихий, илмий, маданий меросимизни тиклаш халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маърифатини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат этаётир. Бу борада муҳим Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани давлатимиз томонидан маданият ва санъат, спорт ва жисмоний тарбия ривожига қаратилаётган улкан ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

2005 йилда мамлакатимиз спортчилари кўплаб халқаро мусобақа ва турнирларда зафар қозондилар. «Шарқ тароналари», «Бойсун баҳори», «Келажак овози» каби фестиваль, кўрик-танловлар мамлакатимиз чин маънода ёш истеъдодлар юрти эканини яна бир карра тасдиқлади. Айни пайтда жаҳоннинг кўплаб давлатларида ўтган нуфузли санъат анжуманларида қатор театр жамоалари, ёш хонанда ва созандаларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Икки йилдирки, вазирлик томонидан йил давомида самарали меҳнат қилиб, фаоллик кўрсатган ана шундай ҳамюртларимизни шарафлаш яхши анъанага айланиб бормоқда. Шунга кўра, «2005 йилнинг энг фаол театр жамоаси» номинациясига Ўзбек Миллий академик драма театри, «Йилнинг энг яхши бастакори» номинациясига таниқли бастакор ва созанда Абдуҳошим Исмоилов, «Ёшларнинг энг севимли режиссёри» номинацияси бўйича Ўзбекистон Ёшлар театри бош режиссёри Наби Абдураҳмонов, «Йилнинг энг иқтидорли спортчиси» номинацияси бўйича енгил атлетикачи Оксана Кот, «Халқаро тадбирларнинг моҳир режиссёри» номинацияси бўйича Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев лойиқ топилди.

Бокс бўйича ёшлар терма жамоаси ҳамда сув полоси бўйича терма жамоамиз «Йилнинг энг кучли спорт жамоаси», Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, бастакор Анор Назаров ҳамда хонанда Гулсанам Мамазоитова «Йилнинг энг яхши қўшиғи ижодкорлари», машҳур спортчи Абдулла Тангриев «Йилнинг энг кучли полвони», Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова «Саҳнамиз фариштаси», Геннадий Арзуманов «Йилнинг энг адолатли ҳаками», «Ўзбекистон маданият ва санъати форуми» жамғармаси «Ўзбекистон маданияти ва санъатининг халқаро миқёсдаги энг фаол тарғиботчиси», Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири Назокат Усмонова «Йилнинг энг яхши маданият ва санъат тарғиботчиси», Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телеканали мухбири Нилуфар Сотиболдиева «Йилнинг энг яхши спорт мухбири», Термиз Археология музейи раҳбари Ислом Ботиров «Йилнинг энг яхши музей ходими» номинацияси бўйича ғолиб топилди.

Айни пайтда энг яхши мумтоз қўшиқ ижрочиси, энг яхши дебют, энг фаол спорт фахрийси, энг яхши спорт федерацияси, энг яхши дуэт, энг яхши спорт фидойиси, энг яхши спорт мураббийси, намунали халқ театри, ўзбек спортининг халқаро миқёсдаги тарғиботчиси, болалар мусиқа санъати жонкуяри, энг яхши спорт ҳомийси, миллий қадриятларимизни тарғиб этаётган эстрада хонандаси каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар эълон қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

ЎзА

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ МУСТАҲҚАМ ҲИМОЯДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ, КЎПЛАБ ФУҚАРОЛАРНИНГ МУШКУЛИНИ ОСОН ҚИЛЯПТИ. ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН КЕНГ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.

Якунланган йилда бошқармага истеъмолчилардан уч юзга яқин ариза ва шикоят тушди. Уларнинг деярли барчаси истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди.

Жумладан, пойтахтимизнинг Яккасарой тумани Бошлиқ мавзеси 6-уйда яшовчи истеъмолчилардан келган аризада иссиқлик таъминоти белгиланган даражадан паст эканлиги маълум қилинган эди. Ариза «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси масъул ходимларини жалб қилган ҳолда ўрганиб чиқилди. Натижада кўрсатилмаган хизматлар учун олинган 874 минг сўмдан зиёд маблағ истеъмолчиларга қайтарилиб, иссиқлик таъминоти белгиланган даражага келтирилди.

Юнусободлик истеъмолчилар лифт хизматида муаммолар юзага келганлигини маълум қилди. Бу ариза ҳам «Тошкентлифт» трести ва «Намуна коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари иштирокида ўрганилди. Истеъмолчилар ҳақ бўлиб чиққач, кўрсатилмаган хизмат учун олинган 333 минг сўмга яқин маблағ ширкат томонидан қайта ҳисобкитоб қилинди.

Ҳозир истеъмолчилар ўз ҳуқуқларидан савдо соҳасида ҳам унумли фойдаланмоқда. Фуқаро Т.Афанасьев «Фен» сотиб олган эди. Кафолат муддати тугамасдан ишдан чиққан бу товарни сотувчига қайтариб олиб борганида муаммога дуч келди. Бошқарманинг аралашуви билан сифатсиз маҳсулот эгасига қайтарилиб, истеъмолчи 90 минг сўм нақд пулини қайтариб олди.

Шу тариқа бошқарма ўтган йил давомида истеъмолчиларнинг 20 миллион сўмдан зиёд маблағини ундириб олишига кўмаклашди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

14 январь —Ватан ҳимоячилари куни

УЛАР — БУГУННИНГ ПОСБОНЛАРИ

ОФИЦЕР ШЕРДИЛ ДАДАБОЕВ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ЖАМОА ҲАМ АЙНИ КУНЛАРДА АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ 14 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШГА ҚАРАТГАН. БУ ШУНЧАКИ БАЛАНДПАРВОЗ ГАПЛАР ЭМАС. МАСАЛАН, ЖАМОАНИНГ КАПИТАН ЛАЗИЗ УСМОНОВ КОМАНДИРЛИК ҚИЛАЁТГАН ВЗВОДНИ ОЛАЙЛИК. ОРТДА ҚОЛГАН ЙИЛДА ЖАМОАНИНГ ПРОФЕССИОНАЛИ, ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТ КИЧИК СЕРЖАНТИ ХУРШИД ЭРНАЗАРОВ РАЗВЕДКАЧИЛАР ЎРТАСИДА БЎЛГАН БЕЛЛАШУВДА 10 КИЛОМЕТРГА ЮГУРИШДА ОКРУГДА ҒОЛИБ БЎЛДИ. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТ КИЧИК СЕРЖАНТИ МИРЗО ҲАМИДОВ ЭСА ОКРУГДА ЭНГ ИЛҒОР МЕРГАН СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛИБ, КУБОК БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.

Шунингдек, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Феруз Неъматов округда энг яхши алоқачи, кичик сержант Шухрат Йўлдошев энг яхши фельдшер сифатида баҳоланди. Бу нимадан далолат? Айтиш жоизки, бу жамоада жанговар шайликка, касбий малакани мунтазам ошириб боришга, энг муҳими профессионаллашувга эътибор катта, дегани. Масалан, номи юқорида тилга олиб ўтилган мерганни олайлик. Посбон 2001 йилдан шартнома бўйича хизматда. Йиғинларда қатнашиб, соҳаси бўйича кўп сабоқлар олди. Шу боис дала-ўқув машғулотларида нишонларга бехато отди. Айниқса, якуний синовлар арафасида у берилган жанговар топшириқни аълога бажарди.

... Кузатув пунктида маскировка қилиб олган мерган тахминан 200 метрлар масофада шартли душман айғоқчиларини кўриб қолди. Бу ҳақда рацияда командирларига билдириб, улардан жанговар вазифа олди. Унга кўра, шартли душманни бартараф этмоғи лозим. Посбон жойлашиб олган марра яхши. Аммо у метеорологик шароитни ҳам ҳисобга олмоғи лозим. Дейлик, машқни бажарганда шамол ва иқлимнинг инжиқликлари ўқнинг йўналишини ўзгартириши мумкин. Бунинг устига шартли душман секундига тахминан 2-3 метрлар тезликда ҳаракат қилмоқда. Хуллас, ўқув йиғинларида соҳасининг ипидан игнасигача ўрганганги кичик сержантга қўл келди. Маҳорат ўз сўзини айтди.

Ҳарбий қисмнинг ортда қолган йилдаги энг муҳим ютуқларидан яна бири жамоадаги оркестрнинг кўрик-танловнинг якуний босқичида муносиб иштирок этганидир. Майор Юнус Акромов етакчилик қилаётган ҳарбий оркестр 2000 йилдан фаолият кўрсатиб келади. Ижодий жамоанинг Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарликларини кузатиш мақсадида борганимизда, эътиборимизни тортгани ундаги ёш тарбияланувчилар бўлди. Санъат коллежининг учинчи курсида ўқийдиган Бобур Акромов ҳарбий санъаткорлардан саксафон чалишни, санъат коллежи битирувчиси Нурали Наврўзов труба чалишни, илгари тарбияланувчи бўлган, ҳозирда эса ушбу жамоада муддатли ҳарбий хизматини ўтаётган оддий аскар Муҳиддин Ширинов кларнет чалишни машқ қилишаётган экан.

Майор Комилжон Эштемиров командирлик қилаётган батальон шахсий таркиби ўқув йили якуни бўйича қисмда биринчи ўринни эгаллади. Жамоада сафга яқинда қўшилган аскарларга доимо юксак эътибор қаратиб келинади. Тажрибали аскарлар бириктирилади. То эгаллаган вазифасини тўла ўзлаштирмагунча посбон билан мунтазам машғулотлар олиб борилади.

Шу ўринда бир гап. Ёш аскарларнинг тажрибалироқ аскарларга бириктирилиши ўз йўлига. Аммо масъулият кўпроқ кичик командирларда. Яъни улар қанчалар профессионал, маҳорати юксак бўлса, аскарларнинг билими, жанговар шайлиги юксак бўлади. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аъзам Шомуродовни ана шундайлар сирасига киритиш мумкин.

Хуллас, жамоадаги ютуқларни таҳлил этиб, шундай хулосага келдикки, посбонлар ислоҳотлар моҳиятини юракдан англашади. Уларда Миллий Армиямизни янада шакллантириш йўлида интилиш ҳисси баланд. Бир сўз билан айтганда, ҳарбийлик улар учун касб, фахр, шарафдир.

Алижон САФАРОВ,
майор

"ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ", "МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК — ТУРМУШ БЎЛАР ЧИРОЙЛИК", "МЕҲНАТНИНГ — ТАГИ РОҲАТ". ДОНО ХАЛҚИМИЗНИНГ ЖУДА ТОПИБ АЙТГАН ЮҚОРИДАГИ ПУРҲИКМАТ НАҚЛЛАРИДА ОЛАМ-ОЛАМ МАЪНО БОР. ДАРҲАҚИҚАТ, ИНСОН ДУНЁГА КЕЛАР ЭКАН АВВАЛО ҲАЁТДА ЯХШИ ЯШАГИСИ, ОИЛАЛИ, БОЛАЧАҚАЛИ БЎЛИБ, ИЛМ ОЛИБ, СЕВГАН КАСБИДА МЕҲНАТ ҚИЛГИСИ, ВАҚТИДА ЭСА МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИБ, МЕҲНАТЛАРИНИНГ РОҲАТИНИ КЎРГИСИ КЕЛАДИ.





Мусоҳаба

СЕРҚУЁШ ДИЁРИМИЗ СИҲАТГОҲЛАРИ

сизларни кутмоқда

Мамлакатимизда мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган эзгу ва хайрли ишларда юртимиздаги ҳар бир соҳа ходимларининг ўзига яраша муносиб ҳиссаси бор. Шу ўринда меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқи ҳимоячиси, яхши дам олишларини ташкиллаштиришдек ишга бош-қош бўлаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хизматлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтсак ярашади. Фикримизни янада аниқроқ айтадиган бўлсак касаба уюшмалари жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, ёшларни бой меъросимиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишларида ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Биз меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишларини ташкиллаштириш билан шуғулланиб келаётган тармоқ фаолияти билан газетхонларни яқиндан таништириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси бошлиғи Акмал ака ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатда бўлдик.

— Акмал Аҳмаджонович, аввало сиз бошчилик қилаётган бошқарма фаолияти, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳақида маълумот берсангиз.

— Мустақиллик йилларида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг чинакам кафолатланган изчил тизими яратилди, десак муболаға бўлмайди. Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилиши ҳужжатларида ҳам инсон манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилиш, қонун устуворлигига эришиш олий мақсад қилиб белгиланди. Биз шулардан келиб чиққан ҳолда ўз иш фаолиятимизни белгилаб олганмиз. Яъни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Курортлар бошқармаси тизимида 19 та сиҳатгоҳлар мавжуд бўлиб, уларда ҳар йили республикамизнинг 50-55 минг нафардан зиёд меҳнаткашлари ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тиклайдилар.

Бозор муносабатлари жадал ривожланаётган ҳозирги даврда биз сиҳатгоҳ-курорт хизмати кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини тиклаш, соғлом, жисмонан бақувват авлодни тарбиялаш, дам олиш масканларимиздаги шароитлар хорижий давлатлар даражасига кўтариш, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга мос ҳолда олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Юртимизнинг энг олис ҳудудларида ҳам сиҳатгоҳ-курорт хизматини халқимизга яқинлаштиришни асосий вазифа деб белгилаб олганмиз. Шу мақсадни кўзлаб экологик ноқулай шароитларда яшовчи Оролбўйи меҳнаткашларининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида 75 ўринли "Гулпаршин" ва 35 ўринли "Айдоскала" сиҳатгоҳлари ташкил этилди. Хоразм вилоятида эса 110 ўринли "Хонқа" сиҳатгоҳининг ишга туширилиши эса 300 нафар аҳолининг иш билан таъминланишига замин бўлди.

Булардан ташқари Абу Али ибн Сино, "Оқтош", "Ботаника", "Бўстон", "Чинобод", "Чимён" сиҳатгоҳлари замон талабларига жавоб берадиган ҳолда тўлиқ жиҳозланиб, таъмирланди. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу таъмирлаш юмушлари сиҳатгоҳларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, 1259851 минг сўм сарфланди. "Оқтош", "Зомин" ва "Умид гулшани" сиҳатгоҳларида эса таъмирлаш ишлари ниҳоясига етиб қолди.

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ижроси йўлида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси тасарруфидаги сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларида қўшимча пулли хизмат кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида қўлланма ва йўриқномалар ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ сиҳатгоҳларда қўшимча пулли тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бошқарма бўйича ҳисобга оладиган бўлсак 2000-2004 йиллар давомида ушбу хизмат турларидан 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ топилди.

— Ўтаётган ҳар бир кунимизда бирон-бир янгилик, ўзгаришларга дуч келяпмиз. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак касаба уюшмаларида меҳнаткашларга ҳар томонлама қулайлик яратиш, даволаниш ва дам олишлари учун замон талаблари даражасидаги шароитларни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бошқаришнинг янгича усулларини ҳаётга татбиқ эта бориб, бошқармамиз тасарруфидаги барча сиҳатгоҳларни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўзини-ўзи молиялаштириш мақсадида очиқ акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамиятга айлантириш борасида талай ишларни амалга

оширди. Даволанувчиларга қулай шароит яратиш, замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Курортлар бошқармасига қарашли барча сиҳатгоҳларда даволаш-ташхис базаси, функционал ташхис хоналари, клиник ва биокимёвий лабораториялар, УЗИ, ренгген хоналари ва бошқа хоналар тўлиқ таъмирланиб, янгиланди.

Кейинги йилларда психо, рефлексо, магнито, лазертерапия, инфра-қизил нурлари терапияси каби янги даволаш усуллари жорий қилинди. Сиҳатгоҳларда кенг қўлланиладиган даво муолажаларидан бири-фито дамламалардир. Хусусан "Ниҳол", "Ботаника", "Чортоқ", "Умид гулшани" сиҳатгоҳларида 15 хилдан ортиқ фито-дамламалар тайёрланиб даволанишда яхши самара бермоқда. Айтиш мумкинки сўнгги беш йил давомида сиҳатгоҳларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 484745,8 минг сўмлик тиббий жиҳозлар сотиб олинди.

Сиҳатгоҳларимизда асосан табиий шифобахш омиллардан (минерал сувлар, шифобахш балчиқ, тиббий иқлим ва сув ҳавзалари) фойдаланилади. Республикамизда минерал сувларнинг барча шифобахш хусусиятини ўзида мужассамлаштирган бой гидроминерал ресурслар аниқланган бўлиб, курорт-даволаш мажмуасида бундай сувлар билан даволаш беморларга шифобахш таъсир этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

— Аёллар ва болалар, ногирон, якка-ёлғизлар, кўмакка муҳтож кекса, пенсионерларга имтиёзли хизмат кўрсатиладими? Умуман аҳолининг кам таъминланган қатламига кўрсатиладиган хизмат ҳақида ҳам билишни истардик.

— Маълумки, барча фуқароларга давлат ва жамият томонидан диққат-эътибор, ғамхўрлик кўрсатиш, ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида Президентимиз ташаббуслари билан эълон қилинган Соғлом авлод, Она ва бола, Қарияларни қадрлаш каби ўтган ҳар бир йилда биз ҳам имкон қадар хайрли ишларга бош қўшиб қарияларимизга, она ва болаларга, ногиронларга интиёзли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, Соғлом авлод йилида 18713 нафар аёллар ва 1774 нафар болалар даволаниб соғломлаштирилди ва бунга 825 миллион 626 минг сўм сарфланди. Она ва бола йилида «Чортоқ» сиҳатгоҳида оналар ва болалар бўлими тўла таъмирланиб, жиҳозланиши учун 16 миллион сўм сарфланди. «Ботаника», «Чинобод», «Оқтош», «Чортоқ», «Чимён», «Гулпаршин» ва «Мироқи» сиҳатгоҳларида 2450 нафар она ва бола соғломлаштирилган бўлса, Абу Али ибн Сино ва «Турон» сиҳатгоҳларида она ва болаларни даволаш учун алоҳида бўлимлар ташкил қилинди. Даволаш-ташхислаш ишларини яхшилаш мақсадида янги замонавий асбоблардан «Чинобод» сиҳатгоҳи ультратовуш ташхис қўйиш ва «Тинетоп» аппарати, «Турон» сиҳатгоҳи компьютерли электрокардиограф, «Оқтош» сиҳатгоҳи «Витяз» аппарати, «Ботаника» сиҳатгоҳи Японияда ишлаб чиқарилган компьютерли ультратовуш аппаратлари билан таъминланди. Қарияларни қадрлаш йилида жами 15.749 нафар кексаларнинг соғлиғи тикланди. «Оқтош»да 12 ўринли оилавий коттежлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 120 миллион сўм маблағ сарфланди. «Бўстон» ва «Ботаника» сиҳатгоҳларида қариялар бўлими ташкил этилди.

Обод маҳалла йили ҳам сиҳатгоҳларимиз фаолиятида ўзига хос из қолдирди. «Умид гулшани» сиҳатгоҳида 2 қаватли чойхона ва теннис корти қуриб битказилди. Бошқарма тасарруфидаги сиҳатгоҳлар томонидан маҳалла қўмиталари фаолиятини яхши йўлга қўйиш мақсадида 6.898.420 сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Кам таъминланган оила аъзоларидан 20 нафари бепул ётиб, 1253 нафари амбулатор шароитида даволанди ва бунга 3.728.465 сўм маблағ сарфланди. Нафақахўрларга 611.925 сўм ёрдам пули берилди. Теварак атрофни ободонлаштириш мақсадида 1400 та кўчатлар экилган. «Меҳр ва мурувват йили»да эса 24 нафар кишига бепул йўлланмалар ажратилди. Кам таъминланган 582 та оилага 4.756.700 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 1984 нафар кишига 23351500 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

— Сиҳат-саломатлик йили ҳам поёнига етди. Жорий йилдаги, хизмат даражаси қандай бўлди?

— Республикамиз аҳолисининг соғлиқ-саломатлигини тиклаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларнинг спорт билан шуғулланишларига янада кўпроқ шарт-шароитлар яратиш, жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшишда муҳим омил бўлган Сиҳат-саломатлик йилида ҳам изчил, режали, кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Курортлар бошқармаси тизимидаги сиҳатгоҳ-курорт муассасаларида 52 мингга яқин аҳоли, (шулардан 6 мингги пенсионерлар)нинг яхши дам олиб, даволанишларига шарт-шароит яратилди. Сиҳатгоҳларимизда ишлаётган меҳнат фахрийлари, пенсионерлар, қаровчисини йўқотган ходимларнинг 40 нафари бепул даволанди.

Шунингдек «Чимён», «Оқибат», «Оқтош», «Зомин», «Умид гулшани», «Ситораи Моҳи Хоса», «Турон», «Ботаника» сиҳатгоҳлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди, бунга 50 миллион сўм ажратилди. «Чимён» сиҳатгоҳида 85 та люкс ўринли тўртинчи бўлим қуриб битказилди, «Бўстон», «Оқтош», «Чортоқ» ва «Зомин» сиҳатгоҳларидаги ётоқ бўлимлари қайта таъмирланди, «Умид гулшани» сиҳатгоҳи ҳудудида сув билан даволаш биносининг қурилиши бошланди, бунга касаба уюшмалари ягона ижтимоий тўловлар маблағлари ҳисобидан 250 миллион сўм ажратилган.

Шу ўринда айтиб ўтишни жоиз деб биламанки, республикамизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир сиҳатгоҳ-курорт хизматини юқори савияга кўтариш мақсадида шифокорларимиз малака ошириш институтида ўкитилмоқда, ҳамширалар учун эса танловлар эълон қилиниб, ўз устиларида ишлашлари ва тажриба алмашишларига замин яратилмоқда. «2005 йил ҳамшираси» кўрик-танловининг ҳар бир қатнашчи юрагидан жой олгани бежизга эмас.

Булардан ташқари «Сиҳат-саломатлик йили»га бағишланган турли илмий анжуманлар, учрашув ва тадбирлар, бошқарма тизимидаги сиҳатгоҳлараро спорт турлари бўйича республика спартакиадалари ўтказилди.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги «Ўқувчи ва талаба-ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусабақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш йўлида Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи ёшлар иштирокидаги «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг юқори савияда ўтишига ҳар томонлама кўмак берилди. Яъни «Бўстон» сиҳатгоҳига 518 нафар, «Умид гулшани» сиҳатгоҳига 300 нафар иштирокчилар жойлаштирилиб, уларнинг яхши дам олишлари, мусобақага кўнгилдагидек тайёргарлик кўришлари, овқатланишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Курортлар бошқармаси тизимидаги барча сиҳатгоҳ-курортларда фақат Сиҳат-саломатлик йилидагина эмас, ҳамиша даволанувчи ва дам олувчилар учун замонавий қулай шарт-шароитга эга бўлган ва яхши жиҳозланган бир ва икки ўринли ётоқхоналар, оилавий коттежлар, люкс хоналари ташкил этилиб, юқори малакали шифокорлар, қўли ширин ошпазлар, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган муолажа хизмати йўлга қўйилган.

Юртбошимиз Конституциямизнинг 13 йиллиги тантаналарида 2006 йилни Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилдилар. Юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарони қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш, эл саломатлиги жонкуярлари хизматини янада яхшилаш каби энг эзгу ниятлар жамланган Янги йил ҳар бир соҳа ходими олдига катта ва масъулиятли вазифаларни қўяди, элу юрт ривожи йўлидаги хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшишга даъват этади. Айниқса маъруздаги Юртбошимизнинг — "Агарки, шу муқаддас заминда яшаётган барча инсонлар — миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистон — менинг ягона Ватаним, деб яшайдиган, белини маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қиладиган бўлса, билиб қўйинглар, бизни ҳеч қандай куч енга олмайди, юртимиз ва халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди" деган сўзлари ўйлайманки ҳар бир юртдошимизнинг юрагидан жой олиб, ғайрат-шижоатга чорлади.

Ишонаманки, "Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади" шиори Янги йилимизда ҳам ишимизда, кенг тармоқли фаолиятимизда дастуруламал бўлиб бизни эзгу ва хайрли ишларга бошлайверади. Барча ҳамюртларимизга қутлуғ кунларда эл-юрт ривожи, Ватан ободлиги, миллат саломатлиги йўлидаги хизматларида улкан муваффақият, оилаларида тинчлик-осудалик барқарор бўлишини тилаб қоламан.

Янги йилимиз тўкинлик, фаровонлик, қут-барака йили бўлсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди

СУРАТЛАРДА: Курортлар бошқармаси тизимидаги сиҳатгоҳ-курортларда ана шундай шароитлар яратилган.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Баъзан гуноҳкорларни филнинг оёғи остига ташлайдилар, фил уларни оёғи билан босиб, хартуми ва тишлари билан парчалаб ўлдиради. Савдогарлар Сейлондан вилоятларга филлар олиб бориб, газ эътибори билан ўлчаб баҳо қўйиб сотадилар.

Зарробхонанинг қаршисида шихнагоҳ — соқчихона ўрнашган. Айтишларича, шаҳарда ўн икки минг асас — соқчи муқаррар бўлиб, уларга фоҳишахоналарнинг даромадидан олиб, ҳар куни ўн икки минг ф а н а м дан тўлайдилар. Фоҳишахоналар иморатлари сертакаллуфлигининг шарҳи ва у ердаги дилбарлар ҳусни ва ғамза-иморатларининг баёни ёзиш ва сўзлаш чегарасидан ўтиб кетган. Хулласи, узун гапнинг қисқаси, унинг озгинасининг шарҳи шуки, зарробхонанинг орқасида узунлиги уч юз газдан ва эни йигирма газдан ортиқ келадиган бозорга ўхшаш бир жой бор; унинг икки тарафига уйлар ва суфалар, уйлар олдига эса яхши тошлардан баланд қилиб дўкончалар қурилган. Йўлнинг ҳар икки тарафидаги уйларнинг деворларига шер, паланг, бабр ва бошқа жониворларнинг суратлари шу қадар ўхшатиб, ҳаракат қилаётгандек қилиб ишланганки, худди жони бор дейсан киши. Пешин намозидан кейин уйларнинг боғоят покиза бўлган эшиклари олдига курсилар, сандаллар қўйилади; қаҳба-фоҳиша хотинлар у ерга чиқиб ўтирадилар. Хотинларнинг ҳар бири савдогарнинг дур ва жавҳарлари билан безанган, яхши кийимлар кийган, жуда ёш, ҳусн ва жамолда камолга етган. Битта-иккита канизаклар уларнинг олдида туришади ва кишиларни айш қилишга чақириб, ишрат эшикларини очиб, мусиқий асбобларини созлашади. Бу ерга кимки келмасин, қайси хотин билан бўлишни истаса, ўша билан кўнглини очади. Фоҳишахона кишилари қандай меҳмонга эга бўлмасинлар, уни муҳофазат қиладилар. Агар бирор нарса йўқолиб қолгудек бўлса, уни топиб бериш ёки товон тўлашнинг ҳаҳдасини ўз устларига оладилар.

Шунингдек, бу етти ҳисорнинг ҳаммасида фоҳишахоналар кўп бўлиб, уларнинг барчасидан йиғиладиган ўн икки минг ф а н а м пул маош сифатида соқчиларга тўланади. Соқчиларнинг қиладиган ишлари шу етти ҳисорда юз берадиган жанжалларни бартараф қилиш ва муҳим воқеалардан хабардор бўлиб туришдан иборатдир. Бирор нарса йўқолиб қолса ёки уни ўғри олиб кетса, улар топиб берадилар, ёки тополмасалар товон тўлайдилар.

Фақирнинг ўртоқлари бир нечта қул сотиб олган эди-

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ

«МАТЛАЪ-И САЪДАЙН ВА МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН»

АСАРДАН БОБЛАР

лар, улар қочиб кетишди. Бу ҳақда шиҳна — соқчибошига хабар қилинганда, у мискинлар маскани бўлган маҳалланинг асас-соқчилари топиб берсинлар ёки товон тўласинлар деб ҳукм чиқарди. Асаслар қулларнинг қийматини аниқлаб товон тўладилар.

Бижонагар шаҳрининг сифати ва подшоҳининг аҳволи шарҳи ана шу.

Зулҳижжа ойининг охирларида /30 апрель 1443/ Бижонагарга етиб келган бу варақларни ёзиб тўпловчи Абдураззоқ тайин қилишларига мувофиқ, баландлиги Ҳиротдаги кўпчилик халқ ўтиб турадиган Дарвозайи Маликдек келадиган, бағоят баланд бир висоқга тушиб турдим ва бир неча кунгача йўл машаққатидан дам олдим. Муҳаррам ойининг ҳилоли /1 май 1443/ бу улуғ шаҳарда ва бу хатокор манзилда бахтли фол бўлмиш жамолини кўрсатди.

Бир куни подшоҳнинг олдидан хабарчилар келдилар ва фақир кечқурун подшоҳнинг даргоҳига қараб жўнадим. Ўзим билан беш бош яхши от ҳамда икки тўққиз кимхоб ва атлас олиб бордим. Подшоҳ мазкур қирқ сутунлик айвонда ғоят улуғворлик билан ўтирган экан. Унинг ўнг ва сўл тарафида эса кўп одамлар ҳалқа ташкил қилган эдилар. Подшоҳ зайтун рангли атласдан тикилган қабони устига ташлаган ва гарданига ақл жавҳарфуруши унинг қийматини белгилашга қийналадиган тиниқ марваридлардан, балки шоҳона дурлардан тақиб олган, қорача рангли, қотмадан келган, бир оз баланд бўйли ва жуда ёш; икки юзи ва иягида ҳали соқолдан бирор асар ҳам йўқ, бағоят ёкимли кўринишга эга бир киши экан. Фақирни унинг олдига олиб бордилар, мен бошимни эгдим: у илтифот қилиб, мени ўз ёнига ўтказди-да, ҳумоюн нишонни олиб кўриб, қайтиб берди. Сўнг таржимон орқали айтди: "Улуғ подшоҳ элчи юборганлигидан хотиримиз жуда хушвақт бўлди". Мен ҳавонинг иссиқлигидан ва кийимларимнинг кўплигидан терлаб кетган эдим, подшоҳ карам ва марҳамат кўрсатди ва қўлидаги Хитой елпуғичини иноят қилиб менга тутқазди. Кейин бир товоқ келтирдилар, унда икки даста танбул, беш юз фанамдан иборат бир тугунча пул, йигирма миқсол оғирлигида хушбўй кофур бор эди, фақирга тақдим қилдилар. Сўнг ижозат сўраб турар жойимга қайтдим.

Кундалик озиқ-овқат учун ҳар кунга икки бош қўй, тўрт жуфт товуқ, беш м а н гуруч, бирман ёғ, бирман шакар ва икки варахазар /пул/ келтирган эдилар, шу тартибда ҳар куни келтириб турдилар. Подшоҳ ҳар ҳафтада икки марта кечқурун мени ўз ҳузурига талаб қилиб, ҳазрат ҳоқони саъиднинг аҳволларидан сўраб турди. Ҳар гал борганимда бир даста танбул, бир тугунча фанам ва бир қанча миқсол кофур келтириб берар эдилар. Подшоҳ таржимон орқали менга айтар эди: "Сизларнинг подшоҳларингиз элчиларни меҳмон қиладилар, уларга дастурхон ёзадилар, аммо, бу ерда биз ва сиз бир-биримизнинг таомимизни емагач, - мисраъ,- мана шу тугулган зар элчига қилинган меҳмондорчиликдир".

Танбул норинж баргига ўхшаш, ундан бир оз узунчоқроқ бир баргдир. Ҳиндистонда, араб мамлакатларининг кўпида ва Ҳўрмуз мамлакатида бу баргни жуда қадрлайдилар. Дарвоқе қадрлашга арзийдиган бир нарса! Уни истеъмол қилишнинг баёни шундай: сипорий деб ҳам аталувчи фуфал ёнғоғидан бир оз синдириб олиб, оғизга соладилар, сўнг танбулнинг битта баргини олиб, унга битта тариқ баробаридаги оҳак бўлагини ҳўллаб суртадилар-да, ўраб-ўраб оғизга соладилар. Шу тартибда тўрттагача баргни оғизга солиб чайнайдилар. Баъзан унга кофур ҳам қўшадилар. Гоҳ-гоҳ қизил бўлиб қолган бўлакларини туфлаб турадилар. Танбул юзларни қизартириб алангалантиради, киши худди шароб ичгандек сархушлик тасаввур қилади; у очликни босади, тўқ кишини эса таом ейишга мойил қилади; оғизнинг ҳидини йўқотади, тишларни маҳкамлайди. Унинг кишини кучлантириш ва суҳбатга қўзғатишини шарҳлаш ва ёзиш имконга сиғмайди. Қуйидаги байтлар унинг хусусиятларидан баъзисини исботлаб, очиб беради. Назм:

Юзлаб майда баргларга эга бўлган танбул новдаси
Садбарг гулидек қўлга етишди.
У худди бўстон гулидек бир баргдирки,
Ҳиндустоннинг энг яхши неъматларидандир.
Баргнинг ўткир-тиклиги чопқир отнинг қулоғидек,
Кўринишдагию моҳиятдаги сифатлари ҳам ҳар иккаласи ўткирдир.

Форс тилидан Асомиддин ЎРИНБОЕВ таржимаси

(Давоми бор.)

Ўз-ўз ўқтанию доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бадмастқа дамодам ичмоғидан не бахр,
Ки одамийлик қатлиға ичар қадаҳ-қадаҳ захр.
НАВОИЙ

Ўлим касалликнинг натижасидир, касаллик қоннинг бузилиши, сафро, қора сафро ва шиллиқ кўпайиши натижасида пайдо бўлади. Бу тўрт элементнинг ҳолати эса овқатланишга боғлиқдир, овқатланиш ўсимликка боғлиқ. Ўсимлик ердан чиқади, чунки ҳар қандай кўкат ердан ўсиб чиқади.

Абу Наср ФАРОБИЙ

Хуш ўткар умри азизинг, жаҳон ғамини ема,
Май ич тириклик аро сиҳати бадан яхши.
ҲУВАЙДО

Ичиб захри қаҳрингни хушнудмен,
Керакмастурур шаҳду шарбат манго.
Комил ХОРАЗМИЙ

Сиҳат тиласанг кўп ема,
Иззат тиласанг кўп дема.
НАВОИЙ

Соғлом бўлмаган киши шеър ёзолмайди.
МИСКИН

Ким бўлса табиати муолиж,
Жисмидин этар маразни хориж.
НАВОИЙ

Ҳакими ҳозиқ бодиёнат,
Жами аҳли беморона яхши.
КАМИЙ

Оғримай жони ва билсун ул киши жон қадрини,
Дарди йўқ бедард на билсун дори-дармон қадрини.
ҲУВАЙДО

Ғизо емак уч турлик бўлур:
Орифлар ғизоси — кунда бир маҳал.
Мўминлар ғизоси — кунда икки маҳал.
Ҳайвонлар ғизоси — кунда уч дафъа ва ундан ортуқ.
Муҳаммад Сиддиқ РУШДИЙ

Айлар ишингга чу бўлур дастрас,
Вақтидин ўткарма ани бир нафас.
НАВОИЙ

Йигитни балоғат ёшига етиши билан уйлантириб қўймоқ зарур. Шунда у зино қилиш пайига тушмайди, одамларнинг номусли қиз-жувонларига ёмон назар билан қарамайди.

Бархурдор ибн МАҲМУД

ҲИКМАТ. Хотинсиз уй — жонсиз жасад. Қайси уйда хотин бўлмаса, чироғи йўқ базмга ўхшайди. Ҳакимларнинг айтишича, хотини йўқ эркак қарори йўқ енгил нарсага ўхшайди, бундай эрнинг ҳеч ерда қўними бўлмайди. Ҳаёт гулдастасини боғлаб турувчи шероза ва ҳаё чаманини яшнатиб турувчи гул аёллардир. Маснавий:

Уйланса-ю бўлса бола-чақаси,
Манманлигу кибр кетар барчаси.
Жаннатмисол обод бўлади хона,
Хотин одам учун бўлса ҳамхона.
Яккалик шарафмас, балки аблаҳлик,
Якканинг ҳаёти берар гувоҳлик.
Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Ҳикматдур манга маҳбубу марғуб,
Киши маҳбубини махфий этмоғи хуб.
ХИРОМИЙ

Тириклик ёру дилдор ила хуштур,
Тирикликни нетарсан, бўлмаса ёр...
Киши ёлғиз жаҳонда бўлмади шод,
Нечаким оламда бўлса шаҳриёр.
ПОШШОХЎЖА

Шундай одамлар борки, муҳаббат бўстонини оралаб, уйланишга қадам қўймайдилар ва бу файз боғининг гулзоридан гуллар термайдилар, доимо ғам уйида ўзлари якка-ю танҳо ўтирадилар. Баъзи бир калтабин ва ақлсиз кишилар эса пул кам деб ёки аёлни эплаб боқиш ғамидан қўрқиб зебо ва бахтиёр аёллар висолидан юз ўгирадилар. Аммо маълумки, уйланиш йўлида ва унинг сарфу харжи йўлида, қанча нарса ишлатмасинлар, буларнинг бари кейинчалик ўз ўрнига тушиб кетади. Аммо бу йўлни босиб ўтишда қуйидагиларга амал қилмоқ керак: шундай қизга совчи қўймоқ керакки, бу қизнинг чеҳраси очиқ, юзидан олижаноблик ва иффат намоён бўлсин, поклик ва покизалик пардаси орқасида тарбияланган ва чиройли иш одатларга ўрганган бўлсин! Бундай қиз энг яхши ҳадя бўлиб, ёшлик ва ҳаёт дастурхонининг лаззатини зиёда бўлишига олиб келади.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Хотин содиқ ани севгил азиз эр,
Ҳар оғир ишда ҳам доим сени дер.
Унга дўст бўлгил, уни севгил, кўнгил бер.
Унинг сўз бахридан гавҳарларин тер.
Сайфи САРОЙИ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг савдо департаменти жамоаси Ҳамза туман бошқармасининг бош мутахассиси **Анвар Солиевич МУРАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЗУЛФИЯ МУКОФОТИГА МУНОСИБ ҚИЗЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ НОМЗОДЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан истеъдодли қизларни тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган ушбу мукофотга лойиқ деб топилган қизлар ҳар томонлама иқтидорли, зукко ва намунали хулққа эга бўлишлари керак.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги мукофотини таъсис этиш бўйича таклифини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилиб келинади. Унда мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ҳамда корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган иқтидорли қизлар фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат йўналишлари бўйича иштирок этишади. Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги давлат мукофотига тақдим этиш йўриқномаси талаблари асосида 2005 йилги танловни илк босқичлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва шаҳарларда бўлиб ўтди. Унда ўн минг нафардан ортиқ номзодлар иштирок этди. Қизларнинг энг муносиб етмиш нафари эса Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Республика ишчи гуруҳи аъзолари мукофотга муносиб номзодларнинг ҳужжатлари ва ижодий ишлари билан батафсил танишиб чиқишди. Танловнинг юқори савияда, одилона ўтиши улар назоратида турибди. Танловда турли миллатга мансуб ва меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган қизларнинг ҳам иштирок этиши таҳсинга сазовордир. Ушбу мукофот ўз тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўладиган, янгиликка интилувчан, қобилиятли қизларнинг ўз истеъдодларини намойиш этишлари учун кенг имкониятдир.

2005 йилги Зулфия номидаги давлат мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими хотин-қизлар байрами арафасида бўлиб ўтади.

КЎРИК-ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

"ЭКОСАН" ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИДА ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСАЛХОНАЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ, "МАҲАЛЛА" ЖАМҒАРМАСИ ВА "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда "Экосан" халқаро ташкилотининг президенти Юсуф Шодиметов сўзга чиқиб, аҳоли орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда санитария, гигиена ва экологик ҳолатнинг муҳим жиҳатлари ҳамда бу борада "Экосан" томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди.

Нотиқнинг айтишича, 2005 йилда жамғарма томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятида яшовчи кам таъминланган оилалар, ногиронлар, туғруқхона ва шифохоналар, мактаб-интернатлари ва меҳрибонлик уйларига инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан "Экосан — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида" деб номланган дастурини ишлаб чиқди. Мазкур дастур доирасида ҳомийлик ёрдамларини кўрсатишни янада кенгайтириш, экологик ноқулай минтақаларда жойлашган соғлиқни сақлаш муассасаларига "Экосан саломатлик поездлари" орқали хайрия ёрдамлари ташкил қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, санитар-гигиеник ва экологик билимни тарғиб қилувчи "Энг яхши оилавий поликлиника", "Энг ибратли участка шифокори", "Санитар-гигиеник ва экологик маданияти юқори шифохона" республика кўрик-танловлари ташкил қилинади.

Учрашув якунида Тошкент шаҳридаги юқумли касалликлар шифохонаси ва туғруқхоналарга ўн миллион сўмлик "полисепт" дезинфекциялаш воситаси, пойафзал ва кўрпа-тўшак ғилофларидан иборат 204 минг сўмлик ҳомийлик ёрдамлари берилди.

Рустам ХАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

"Камолот"

САРГУЗАШТЛАР БАРЧАГА ЁҚДИ

"КАМОЛОТ" ЁИҲ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТУМАНДАГИ 24-МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ҲАМДА 100, 102, 106-МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРИДА ТАРБИЯЛАНАЁТГАН БОЛАЖОНЛАР УЧУН "ҲАР ДОИМ "КАМОЛОТ" БИЛАН" КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Болажонларни Янги йил билан қутлаш мақсадида сардорлар ва етакчилар томонидан эртак қаҳрамонларидан иборат бўлган театрлаштирилган "Янги йил саргузаштлари" байрам томошаси қўйиб берилди. Совға-саломлар улашилди.

— Бу тадбирни ўтказишимиздан мақсад Меҳрибонлик уйи ва имконияти чекланган болажонларни қўллаб-қувватлаш, кириб келган ҳомийлар ва шифокорлар йили билан қутлашдан иборатдир, — дейди тадбир ташкилотчиси, туман "Камалак" болалар ташкилоти раиси Ҳабиба Муҳамедова. — Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, биз туманимиздаги маҳаллаларда истиқомат қиладиган, ногирон, ётиб қолган 116 нафар болажонларнинг уйларига бориб, ҳолидан хабар олиб, совға-саломлар улашдик. Мақсадимиз биз билан бирга ёнма-ён яшаётган ҳар бир бола ўз тенгдошидек Янги йил байрамини юракдан ҳис қилиб қишки таътил вақтини мароқли ўтказсин.

Шоҳида МУҲСИМОВА

"050" ХАБАРЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИ ТЕЗКОР НАВБАТЧИ ҚИСМИГА ЮНУСОБОД ТУМАНИ, ЖАҲОН ОБИДОВА КЎЧАСИДАН ОҚИБ ЎТУВЧИ "БЎЗСУВ" ГЭСИДА НОМАЪЛУМ ОДАМ ЖАСАДИ БОРЛИГИ ҲАҚИДА ЮНУСОБОД ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ТЕЗКОР НАВБАТЧИСИ МАЙОР БАҲОДИР ТАШМАТОВДАН ХАБАР ТУШДИ.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси офицери, "Қутқарув хизмати" бошлиғи, катта лейтенант Ҳусан Бобонов бошчилигида уста ғаввос-қутқарувчи Константин Рожков, йўрикчи-ғаввос қутқарувчи Бахтиёр Асракулов, Максим Якушев томонидан 45-50 ёшлардаги номаълум эр-как жасади сувдан олиб чиқилди.

● Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тезкор навбатчи қисмига мурожаат қилган Шайхонтоҳур тумани, Беруний Б-1 кўчаси, 2-уйдан фуқаро Қосимов, Миробод тумани Янги замон кўчаси 2-уй, 16-хонадондан Абдукамилова, Мирзо Улуғбек тумани Ҳабиб Абдуллаев кўчаси, 103-уй, 57-хонадондан Попова, Юнусобод тумани 4-даҳа, 11-уй, 42-хонадондан Тимофеева, шу туманнинг М-5, 71-уйнинг 13-хонадонидан Рўзметов, 2-даҳа, 6-уйдан фуқаро Раджапова, 2-даҳа, 6-уй, 21-хонадондан фуқаро Сафаровнинг мурожаатига кўра, кўмак кўрсатилиб, хонадонлардаги газ, электр асбобларининг ёқиқ қолиб, ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олди олинди.

● Кун давомида меҳнат қилиб кечқурун уйларига қайтаётган ҳамшаҳарларимиз "лифт орқали тезроқ юқори қаватга кўтариламиз" деган ниятда юқорига кўтарилувчи мосламадан эътиборсизлик билан нотўғри фойдаланганликлари натижасида "лифт қамоғи"га тушиб қолдилар. Кеч соат 21:20 да Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тезкор навбатчи қисмига Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/3 даҳаси 1-уйнинг 1- йўлагидаги лифт эшиги беркилиб, ичида одамлар қолганлиги тўғрисидаги фуқаро Ҳошимнинг мурожаатига кўра, бошқарманинг лейтенант Азиз Жалилов бошчилигидаги "Қутқарув хизмати" қутқарувчилари томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали лифт эшиги очилиб, кутиб толиққан одамлар соғ-саломат чиқариб олинди.

Хуснияхон ТОЖИБОЕВА, бошқарма матбуот гуруҳи ходими

Мунажжим башорати

МУҲИМИНИ АНИҚЛАБ ОЛИНГ

12 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

ЮЛДУЗЛАРНИНГ САМОДАГИ ЖОЙЛАШИШ ТАРТИБИ БУГУН ЎЗИНГИЗ УЧУН ЭНГ МУҲИМ БЎЛГАН НАРСАНИ АНИҚЛАБ ОЛИШИНГИЗ ЗАРУРАТИНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. ОЛАДИГАН ДАРОМАДИНГИЗМИ, ТУРМУШ ТАРЗИМИ ЁКИ ҲАЁТИНГИЗ МАҚСАД-МАЗМУНИМИ — БУЛАРНИНГ ҚАЙ БИРИ МУҲИМЛИГИНИ АНИҚ-ТИНИҚ БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ КЕРАК.

Фақат бир нарса, бир мақсадда, эҳтимолки, ишингиз, кундалик адоғи йўқ муаммоларда диққатни жамлаш ташқаридан туриб ўзингизга холис баҳо беришингизга йўл қўймайди. Шу кунги вазият, биринчи навбатда, бошлиқлар танқиди, яқинларимизнинг танбеҳ ва таъна-дашномлари ҳатто жамиятдаги ўз ролимиз ва ўрнимиз ҳақидаги тасаввурларимизни ўзгартиришимизга олиб келиши мумкин.

Баъзи бировларга бу очиқ ва аччиқ гаплар оғир ва оғриқли бўлиши мумкин. Вазифа — ҳаётингиздаги бошқа жиҳатларни ҳам мувозанатга келтириб олишдан иборат. Ана шунинг учун ҳам ҳар биримиз ўзимиз учун энг муҳимини билиб олишимиз керак бўлади.

Бугун овқат пиширмай, олдин тайёрланган таомни тановул қилиш мақсадга мувофиқ. Лекин тез-тез овқатланган маъқул – бугун таомлар яхши ҳазм бўлади. Тана ҳароратини бир оз кўтариб, қонни қиздириб олиш учун озгина вино ичиш тавсия этилади.

Кийим-кечаклардан сариқ-жигарранг уйғунлигидаги либослар бугунги кун руҳига мос бўлади. Кўк ва умуман совуқ ранглардан қочиш керак.

БУГУН:

— йўлга отланиш, транспорт муаммосини ҳал этиш;

— ҳужжатларни расмийлаштириш, маълумотномалар ва гувоҳномаларни олиш;

— муомала доирасини кенгайтириш, узоқроқ қариндошлар билан алоқаларни тиклаш;

—ҳуқуқшуносла ва суғурта компаниялари ходимлари билан маслаҳатлашиб, ўз моддий аҳволингиз ҳақида қайғуришингиз тавсия этилади.

Махсус аниқлик ва катта масъулият талаб қиладиган ишлар билан шуғулланиш, шошилинч хулосалар чиқариш, санчиладиган ва кескир буюмлар билан ишлашда эҳтиётсизликка йўл қўйишдан ўзингизни асранг.

Сўзсиз сурат.
Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни "ESKI JO'VA DEHQON BOZORI" очиқ акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган объектлар бўйича биржа савдоларига таклиф этади

Биржа савдоларига 2005 йил 30 декабридан бошлаб, "ESKI JO'VA DEHQON BOZORI" очиқ акциядорлик жамияти ҳудудидаги ТИМ-2 савдо мажмуасида жойлашган қуйидаги 38 (ўттиз саккиз) та савдо дўконлари қўйилди:

Умумий майдонлари **31,36** кв.метрдан бўлган **14 (ўн тўртта)** савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **24 828 423,62** сўмдан.

Умумий майдонлари **31,36** кв.метрдан бўлган **14 (ўн тўртта)** савдо дўкони шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **28 139 767,86** сўмдан.

Умумий майдонлари **64,24** кв.метрдан бўлган **2 (иккита)** савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **56 252 703,25** сўмдан.

Умумий майдонлари **64,97** кв.метрдан бўлган **2 (иккита)** савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **56 950 980,37** сўмдан.

Умумий майдонлари **65,88** кв.метрдан бўлган **2 (иккита)** савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **57 820 284,22** сўмдан.

Умумий майдонлари **40,60** кв.метрдан бўлган **2 (иккита)** савдо дўкони шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **36 971 425,82** сўмдан.

Умумий майдонлари **40,60** кв.метрдан бўлган **2 (иккита)** савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **33 659 497,58** сўмдан.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Биржа савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй. 402-хона.Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-308

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5218 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1234 6